

ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА КЕЛИШУВ № 3

Самарқанд шаҳри

03 феврал 2022 йил

Ўзининг низоми асосида иш юритувчи «QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» МЧЖ, кейинги ўринларда Пудратчи деб юритилади, раҳбари Исроилов М. номидан бир томондан ва ўзининг низоми асосида иш юритувчи Самарқанд давлат чет тиллар институти, кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритилади, Тухтасинов И.М. номидан иккинчи томондан, қуйидагилар туғрисида мазкур келишувни туздилар.

1. Мазкур келишувни тузишдан мақсад-тарафлар ўртасида 2021 йил 01 июндаги тузилган 7 - сонли шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдир.

2. Тарафлар 2021 молия йили тугаганлиги сабабли, шартномага янги 2022 молия йили билан қуйидаги қўшимчаларни киритишга келишдилар:

- 2.1. Шартноманинг 3 ва 10-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

- 3. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2021 йил “27” майдаги 1292-сон баён) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚСлари билан 6733000000 сўмни ташкил этади.

- 10. Пудратчи объектда қайта қуриш ишларини танлов савдоларининг натижаларига асосан 176 кунда тугатиб, объектнинг сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда вилоят тендер комиссиясининг қарорига асосан қурилиш муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ишларнинг бажарилиши 2021 йил 1 июн, тугатилиши 2021 йил 23 ноябр.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 28 феврал.

3. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 6733000000 (Олти миллиард етти юз ўттиз уч миллион) сўмни ташкил қилган. Шундан 6181245046 (Олти миллиард бир юз саксон бир миллион икки юз қирк беш минг қирк олти) сўмни 2021 йилда тўлаб берилган бўлиб, қолган 551754954 (Беш юз эллик бир миллион етти юз эллик тўрт минг тўққиз юз эллик тўрт) сўмини 2022 йил давомида тўлов графиги асосида тўлаб беришга келишилди.

4. Шартноманинг бошқа, мазкур келишув билан дахл қилинмаган шартлари ўзгартирилмасдан қолади ва тарафлар улар бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар. Шартнома ўзгартирилганда тарафларнинг мажбуриятлари ҳам ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

5. Мазкур келишув 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва шартнома тегишли тартибда ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради, ҳамда 2021 йил 01 июндаги 7 -сонли шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

«QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» МЧЖ

Самарқанд давлат чет тиллар институти

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Оқдарё тумани, Янги қўрғон МФЙ,
Янги қўрғон кишлоғи.

Манзил: Самарқанд шаҳар Бўстонсарой

Тел./факс +998 98 338-97-47

кўчаси 93 уй

х/в 20208000604557114001

Тел./факс 66 238-29-37, 238-29-50

Банк номи АТБ «Турон банк» Сам.фил.

ш/х* 400910860184017094100079006

МФО 00282 СТИР 206806283

бюджетдан маблағ олувчи СТИР 202001213

ОКОНХ 61110

ОКЭД 85420

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк ХККМ

Тошкент ш МФО 00014

Ғазначилик бошқармаси СТИРи 201122919

Раҳбар

Исроилов М.

Ректор

Тухтасинов И.М.

(имзо)

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

« » 2022 й

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

« » 2022 й

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN
HOKIMLIGI



ЎЗБЕКИСТОН РИСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ОҚДАРЁ ТУМАН
ХОКИМЛИГИ

Huzuridagi tadbirkorlik sub'yektlariga yagona darcha tamoyili
bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish

«YAGONA DARCHA MARKAZI»

Yuridik shaxsni qayta davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami №-592

№-0000592

«18» iyul 2016 yil

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs «QURUVCHI-BINOKOR-
TURKISTON» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berilgan.

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er
uchastkasi va uning maydoni kursatiladi)

Tashkiliy-huquqiy shakli:

T.H.SH

152

Mulkchilik shakli:

M.SH

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan
kundagi pochta manzili:

M.H.O.B.T

1718203855

Yuridik shaxs kodi:

K.T.U.T

21448265

Asosiy faoliyat turi:


X.X.T.I.T.

61110

Soliq tulovchining identifikatsiya raqami S.T.I.R

206806283

Qo'shimcha ma'lumotlar: «QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» mas'uliyati cheklangan
jamiyati 2006 yil 18 oktyabrda №-592 reestr tartib raqami bilan ro'yxatdan o'tkazildi va «QURUVCHI-
BINOKOR-TURKISTON» xususiy korxonasi sifatida huquqiy vorisi hisoblanadi va huquqlaridan foydalanadi.



Markaz direktori: I.NARZULLAYEV

7-сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Самарканд ш.

1 июн 2021 йил

Самарканд Давлат Чет тиллар институти (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи ректор **И.Тухтасинов** бир томондан ва «Курувчи-Бинокор Туркистон» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан устав асосида иш юритувчи директор **М.Исроилов** иккинчи томондан, Самарканд шаҳар Гагарин кўчаси 43 манзилда жойлашган институтнинг 4 каватли ўқув биносини(кейинги ўринларда объект деб юритилади) реконструкция қилиш бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ (ПРЕДМЕТИ)

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатнома асосида, қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2021 йил «27» майдаги 1292-сон баён) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тулақонлигигача фойдаланишга топширилишида ККСлари билан **6 733 000 000,00** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ўн фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Объектдаги реконструкция қилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш қилинаётган бино қисмини ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу бино қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

Ушбу объектни реконструкция қилиш даврида электр энергияси, сув, оқова ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартономалар тузиш, тўловларни амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари тендер иш ҳажмларида бўлса нархлари тендер нархларида олиниши, агарда тендерда бўлмаса смета-ҳужжатларидаги нархларда олиниб ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш ва суғурта Полисини қурилиш ишларини молиялаштиришни очиш учун «Буюртмачи»га тақдим қилиш;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг қучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш, ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади ҳамда ажратилган маблағ доирасида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажаради;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қуриқланишини таъминлайди;

Хар ойда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

Объектда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан “Пудратчи”, “Буюртмачи” томонидан ушбу объект бўйича аванс маблағларини молиялаштириб берганига қадар 20 фоиз ўз айланма маблағлари ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини бошлашни ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини (15) ун беш кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 ун беш кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда қайта қуриш ишларини танлов савдоларининг натижаларига асосан 176 кунда тугатиб, объектнинг сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда вилоят тендер комиссиясининг қарорига асосан қурилиш муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ишларнинг бошланиши 2021 йил 1 июл, тугатилиши 2021 йил 23 ноябр.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабр.

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз микдорида аванс маблағи, икки ойга тенг тақсимланган ҳолда тўлаб беради. Бу **2 019 900 000** сўмни ташкил этади.

13. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва Буюртмачи томонидан 2-иловага асосан молиялаштирилади.

14. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан берилган аванс микдорини ушлаб қолиб, объектнинг бажарилган иш қийматини 65 фоиз микдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз микдоридаги маблағ мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача объектнинг ўзида қўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини Буюртмачига топширади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан қилишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

27. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан қилишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қиритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давархитеккурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

33. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, микдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, қунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

38. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун «Буюртмачи» жавоб беради.

39 «Пудратчи» объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди.

Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниш ва шикастланиш хавфи «Пудратчи» зиммасида бўлади.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

40. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлардир.

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида қилишга олмадилар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

43. Қурилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шартсизлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрглиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўхсати;
- қабул қилишга тақдим этилган объектнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемлари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

- Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрглиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мўс қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

лойиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиш мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

51. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;
бажарилган қурилиш-монтаж ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан мазкур шартномадаги молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-асосига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Қайта қуриш ишларини олиб бораётган Пудратчи қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;
объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;
объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;

қайта қуриш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни қисман ёки тўла-қонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни қилинган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан қелтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

59. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа туловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низоли ҳолатларни томонлар ўзаро қелишув асосида ҳал этилмаган тақдирда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд шаҳар иқтисодий судида қуриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

64. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

65. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

66. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

67. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

68. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

69. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари асосида тартибга солинади.

70. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

"БУЮРТМАЧИ"

Номи: Самарқанд Давлат Чет тиллар институти
Манзили: Самарқанд ш. Бўстонсарой 93
Тел./факс 66 238-29-50
ш/х: 400910860184017094100079006
бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 202001213
Молия Вазирлиги Газначилиги
Ягона Ҳазна х/в 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар
бош Бошқармаси
газначилик бошқармаси СТИРи 201122919
МФО: 00014

Ректор

И.Тухтасинов

Юрисконсулт

Ш. Тошқуватов

"ПУДРАТЧИ"

Номи: «Қурувчи-Бинокор Туркистон» МЧЖ
Манзили: Оқдарё тумани Янги қўрғон МФЙ, Янги
қўрғон қишлоғи
Банк номи: АТБ "Турон банк" Сам. филиали.
Х/Р: 2020 8000 6045 5711 4001
МФО: 00282
СТИР: 206806283
ХХТИТ: 61110
Тел (+998 98-338-97-47)

Директор

М.Исроилов

Ҳуқуқшунос

Б.Ибрагимов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN
HOKIMLIGI



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ОҚДАРЁ ТУМАН
ХОКИМЛИГИ

Huzuridagi tadbirkorlik sub'yektlariga yagona darcha tamoyili
bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish

«YAGONA DARCHA MARKAZI»

Yuridik shaxsni qayta davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

Reestrdaagi tartib raqami №-592

№-0000592

«18» iyul 2016 yil

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs «QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berilgan.

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun qaratilgan er uchastkasi va uning maydoni kursatiladi)

Tashkiliy-huquqiy shakli: T.H.SH

152

Mulkchilik shakli: M.SH

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan
kundagi poхта manzili: M.H.O.B.T

1718203855

Yuridik shaxs kodi: K.T.U.T

21448265


Asosiy faoliyat turi: X.X.T.I.T.

61110

Soliq tulo'vchining identifikatsiya raqami S.T.I.R

206806283

Qo'shimcha ma'lumotlar: «QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» mas'uliyati cheklangan jamiyati 2006 yil 18 oktyabrda №-592 reestr tartib raqami bilan ro'yxatidan o'tkazilgan «QURUVCHI-BINOKOR-TURKISTON» xususiy korxonasining huquqiy vorisi hisoblanadi va huquqlaridan foydalanadi.



Markaz direktori: I.NARZULLAYEV

Реконструкция 4-х этажного учебного корпуса института Иностранных языков по ул.Гагарина №43 в г.Самарканде

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	2021 йил								Иш турлари буйича умумий қиймати	Пудратчи ташкилот номи
		II чорак		III чорак			IV чорак				
		Май	Июнь	Июль	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр		
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	ОБЩЕСТРОИТЕЛЬНАЯ РАБОТА		1 298 504	779 102	519 401					2 597 007	«Курувчи Бинокор Туркистон» МЧЖ
2	ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЕ И ЭЛЕКТРООСВЕЩЕНИЕ			301 989	301 989					603 978	
3	ОТОПЛЕНИЯ ВЕНТИЛЯЦИЯ				253 012	337 349	253 012			843 373	
4	ТЕПЛОТРАССА						32 969			32 969	
5	ВОДОПРОВОД И КАНАЛИЗАЦИЯ					54 677	54 677			109 354	
6	ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ						76 479	178 451		254 931	
7	СТРУКТУРИРОВАННАЯ КАБЕЛЬНАЯ СЕТЬ						57 199			57 199	
8	ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ						40 095	93 554		133 649	
9	МЕБЕЛЬ И ОБОРУДОВАНИЕ					1 050 270	630 162	420 108		2 100 540	
	ИТОГО	-	1 298 503,609	1 081 091,209	1 074 402,408	1 442 296,148	1 144 592,988	692 113,637	-	6 733 000,000	



Реконструкция 4-х этажного учебного корпуса института Иностранных языков по ул.Гагарина №43 в г.Самарканде

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ойлар	Республика маблағлари ҳисобидан	Тулов тури
1	2	3	5
		2021 йил	
1	Май		
2	Июнь	1 009 950,000	15 % аванс маблағи
3	Июль	1 009 950,000	15 % аванс маблағи
4	Август	1 546 736,632	65 % бажарилган ишлар учун
5	Сентябрь	698 361,565	65 % бажарилган ишлар учун
6	Октябрь	937 492,496	65 % бажарилган ишлар учун
7	Ноябрь	743 985,442	65 % бажарилган ишлар учун
8	Декабрь	449 873,864	65 % бажарилган ишлар учун
	Ж а м и :	6 396 350,000	
	2022 йил	336 650,000	5 % кафолат сумма
	Хаммаси:	6 733 000,000	

"БУЮРТМАЧИ"

Самарқанд Давлат Чет тиллар институти

Ректор

И.Тухтасинов

ПУДРАТЧИ

«Қурувчи Бинокор Туркистон»

МЧЖ

директори

М.Исроилов



"УТВЕРЖДАЮ"
Ректор Сам ГИИЯ

И.М.Тухтасинов
от " " 2021 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ НА 2021 ГОД

Раздел 1 Основные данные по стройке

№	Наименование и местонахождение стройки: Реконструкция 4-х этажного учебного корпуса института Иностранных языков по ул.Гагарина №43 в г.Самарканде
---	---

1	Отрасль	Народное образование
2	Инвестор	Внебюджетные средства
3	Заказчик	Инжиниринговая компания
4	Разработчик	ООО "Армас"
5	5.1 ТЭО	ООО "Армас"
	5.2 ПСД	ООО "Армас"
	5.3 Экспертиза	№14/01-6-1/2115 от 15.03.2021г М.Аллабергенов
6	Генеральный подрядчик	МЧЖ «Курувчи-Бинокор Туркистон»
7	Инвестор	Внебюджетные средства
8	Срок начала и окончания строительства	II квартал 2021г - IV квартал 2021 года

Основные показатели стройки:	По ПСД	Остаток на 01.01.2021 г.
-------------------------------------	---------------	---------------------------------

Мощность (в соответст. Единицах измерения)		
Основные фонды	6741,700	6741,700
Капитальные вложения	6733,000	6733,000
Строительно-монтажные работы	6733,000	6733,000
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	8,700	8,700
Содержание службы заказчика	8,700	8,700

Прогноз на 2021 год в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком	В ценах 1991 г. (млн.сум)	В договорных ценах (млн.сум)
--	----------------------------------	-------------------------------------


Мощность (в соответст. Единицах измерения)		
Основные фонды		6741,700
Капитальные вложения		6733,000
Строительно-монтажные работы		6733,000
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги		8,700
Содержание службы заказчика		8,700



Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 год (в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам			
		I квартал 2021г	II квартал 2021г	III квартал 2021г	IV квартал 2021г

Ввод мощности					
Основные фонды	6741,700				
Капитальные вложения	6733,000		2356,550	4174,460	201,990
Строительно-монтажные работы	6733,000		2356,550	4174,460	201,990
Оборудование, инвентарь					
Прочие работы и услуги	8,700		8,700		
Содержание службы заказчика	8,700		8,700		

Проректор Сам ГИИЯ

 **З.Б.Кузиев**

**Директор**
МЧЖ «Курувчи-Бинокор Туркистон»
 **М.Исроилов**

**ПОЛИС №1406/24/2011
